

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ER RESURSLARI,  
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**558 Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 22 октябрдаги 33-сон қарори (рўйхат рақами 2725, 2015 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 44-сон, 568-модда) билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 6 июнь,  
3-сон

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари,  
геодезия, картография ва давлат кадастри  
давлат қўмитасининг 2017 йил 6 июндаги  
3-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Кўчмас мулк объектларининг кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Ариза келиб тушган куннинг ўзида туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси билан юридик ва жисмоний шахс ёки улар-

нинг ишончли вакиллари ўртасида кадастр йиғмажилдини тайёрлаш бўйича шартнома тузилади.

Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ишларининг қиймати Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сон «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аниқланади.

Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш кадастр объектининг мураккаблигига қараб қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

кўчмас мулк объектларининг турар жойга оид қисми бўйича:

кўп квартирали уйдаги квартира — 7 кунгача;

якка тартибдаги турар жой — 10 кунгача;

кўчмас мулк объектларининг нотурар жойга оид қисми бўйича:

умумий майдони 100 кв. м гача бўлган кўчмас мулк — 10 кунгача;

умумий майдони 100 кв. м дан 1000 кв. м гача бўлган кўчмас мулк — 15 кунгача;

умумий майдони 1000 кв. м дан 5000 кв. м гача бўлган кўчмас мулк — 20 кунгача;

умумий майдони 5000 кв. м дан 15000 кв. м гача бўлган кўчмас мулк — 25 кунгача;

умумий майдони 15000 кв. м дан 50000 кв. м гача бўлган кўчмас мулк — 30 кунгача;

умумий майдони 50000 кв. м дан ортиқ бўлган кўчмас мулк — 45 кунгача.».

2. 41-бандда:

биринчи хатбошисидаги «икки кун» деган сўзлар «бир кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «уч кун» деган сўзлар «бир кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Бино ва иншоотларнинг конструктив қисмлари, хоналар сони ўзгармаган ҳолда унга нисбатан ҳуқуқ тури ва (ёки) ҳуқуқ эгаси ўзгарган тақдирда, кўчмас мулк объектини қайтадан техник инвентаризация қилиш таққиланади. Бунда тегишли ҳуқуқ эгасининг аризасига мувофиқ кадастр йиғмажилди унинг номига қайта расмийлаштириб берилади.».